O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 26 апрель, № 79 (3878) Чоршанба

Мустақиллик иншоотлари

Ҳар қандай жамиятнинг қудрати ҳақида гап кетганда, одатда, унинг табиати, ер ости захиралари, саноати ёки бошқа бойликлари тилга олинади. Аслида эса давлатнинг ҳақиқий куч-қудрати соғлом ва салоҳиятли инсондир.

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ БУНЁДКОРЛИК



Шу боис мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган пойтахтимиздаги 55-оилавий поликлиника ана шундай эзгу ишларга яна бир безак бўлди. Миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган мазкур даргоҳ айни пайтда замонавийлиги билан ҳам ажралиб туради. Кенг ва шинам хоналар, энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар шифокорлар ишини янада енгиллаштирди. Хусусан, Италиядан келтирилган "Фашион" ускуналари тишни оғриқсиз ва шовқинсиз даволай олади. Рентген хонасига ўрнатилган "Ренекс-Флюро" аппарати эса бир соатда 60 кишига хизмат кўрсатиш имконига эга. Бу ускунанинг афзаллиги шундаки, унда плёнка ва реактивлар ишлатилмайди. Бевосита компьютерга кўчган тасвир шу заҳотиёқ қоғозда акс этади.

— Президентимиз поликлиникамизга ташриф буюриб, шароитларимиз билан танишдилар, — дейди бош шифокор Ақида Содиқова. — Самимий суҳбат асносида бизга дастуриламал бўлиб қолажак кўрсатмалар бердилар. Шу асосда аввало чақалоқлар, болалар ва оналарга, кексаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келяпмиз. Шунингдек, беморни кутиб ўтирмасдан, аҳолининг тиббий ёрдамга эҳтиёжини ўрганиб, ўша жойларда профилактика ишларини олиб боришни ҳам ташкил этдик.

Поликлиника пойтахтимизнинг Қоратош, Чорсу, Хадра, Чақар ва Гулбозор маҳаллаларида истиқомат қилувчи 30 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда ҳар бир оиланинг саломатлик паспорти тузилган бўлиб, унда хонадон аъзоларининг соғлиғи, кўрсатилган муолажалар қайд этиб борилади.

Яна бир муҳим жиҳати, баъзи касалликларнинг бехосдан хуруж қилишини инобатга олиб, саломатлик посбонлари туну кун ишламоқдалар. Бундай узлуксиз хизматни таъминлаш учун эса поликлиниканинг шошилинч тиббий ёрдам машиналари йўлга қўйилган.

— Илгари болалар, аёллар ва катталарнинг поликлиникалари бошқа-бошқа жойларда эди, — дейди ўзини Феруза Набиева деб таништирган аёл. — Оилавий тиббий кўрикдан ўтиш учун сарсон бўлиб юрардик. Энди эса учаласи ҳам шу ерда жамлангани ҳамма учун қулай бўлди. Айниқса, биз — ёш болали оналар бундан жудаям хурсандмиз. Аввалгидай навбат кутмаймиз. Шароитлари, озодалиги ҳам яхши.

Аҳолининг мамнун бўлганича бор. Бугун поликлиникада юздан ортиқ тиббиёт ходими фаолият юритмоқда. Болалар, катта ёшлилар, аёлларга хизмат кўрсатадиган хоналар, алоҳида ихтисосликлар бўйича шифокор кабинетлари ва энг замонавий асбоб-ускуналар эл хизматида.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: поликлиника фаолиятидан лавҳалар.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх 25 апрель куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев рафиқаси билан кутиб олди.

Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 26 апрель куни бўлиб ўтади.

Икки давлат расмий делегациялари Ўзбекистон билан Ҳиндистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашадилар, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар. Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА).

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳинд киноси санъати кунлари бошланди. Куни кеча эса Алишер Навоий номидаги санъат саройида кинофестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Сангам»дан то «Вақт»гача

бўлган ҳинд фильмлари ўзбекистонлик мухлислар ҳузурида

Тадбир чин маънода байрамга айланиб кетди. Кечанинг бошланишига маълум фурсат борлигига қарамай, санъат саройи ҳовлиси гавжум. Томошабинлар, пойтахтимиз меҳмонларининг қўлларида намойиш этилажак фильмлар жадвали, суҳбатларида эса ҳинд киносининг ўзига хослиги ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилмоқда. Кимдир ёнидаги шеригига "Сангам" фильмини такрор-такрор томоша қилса-да, барибир яна кўргиси келишини айтса, бошқа биров Ҳиндистон киноларини ўзимизнинг "Маҳаллада дув-дув гап", "Сен етим эмассан", "Суюнчи", "Чинор остидаги дуэль", "Шум бола" сингари бетакрор бадиий фильмларимиз қатори ҳар гал соғинч ва иштиёқ билан томоша қилишини ҳаяжон билан гапирмоқда. Томошабинларнинг мулоқотлари давомида, шунингдек, ҳинд киноларидаги қўшиқларга муҳаббат кучли эканлигини яна бир карра яққол англадик.

Тадбирда сўзга чиққанлар, хусусан, "Ўзбеккино" миллий агентлиги Бош директори Аъзам Исҳоқов, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Тайал ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари азалий ва абадийлиги, маданий алоқалар илдизи кўп асрлик тарихга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар. Икки дўст мамлакатнинг ўзаро муносабатлари, айниқса, истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан янги поғонага кўтарилгани эътироф этилди.

Ўзбекистонда ҳинд киноси кунлари режиссёр Ратан Жаннинг "Гараам масала" («Аччиқ зиравор») фильми билан бошланди. Дарвоқе, кинофестивалнинг кўтаринки руҳда бошланишига яна бир ўзига хос сабаб бор. Яъни, намойиш этиладиган ўттиздан ортиқ фильмлар қаторида кекоа ва ёш авлоднинг қалбидан чуқур жой олган дурдона кино асарларнинг мавжудлигидир. Демак, дубляж усталари томонидан ўзбек тилига маҳорат билан ўгирилган ҳинд кинолари барча шинавандаларга бирдек маъқул келади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Депутатлар Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг раиси Х. Дўстмуҳамедов иккинчи ўқишда тақдим этган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттирдилар.

Қонун лойиҳасининг сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган муҳокамаси чоғида оммавий ахборот воситалари муассисларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, таҳририятнинг ҳуқуқий ҳолати ва устави (низоми) мазмуни тўғрисидаги нормаларга эътибор қаратилди. Бунда депутатлар муассисларнинг оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун жавобгарлиги тўғрисидаги масалани алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиботини ҳуқуқий тартибга солишга дахлдор нормалар кўриб чиқилди ва атрофлича таҳлил этилди. Мажлисда сўзга чиққан депутатлар қонун лойиҳасининг нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритдилар.

Қонун лойиҳаси батафсил муҳокама чоғида баён этилган мулоҳазалар ва таклифлар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказиш учун қайтарилди. Мазкур ҳужжат Қонунчилик палатасининг муҳокамасига қайта иккинчи ўқишда киритилади.

АНДИЖОНДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Андижон шаҳридаги "Баркамол авлод" стадионида "Ватан манфаати улуғ ва муқаддасдир" деб номланган ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун вилоятга республикамизнинг таниқли эстрада хонандалари ва спортчилари ташриф буюрди. Улар орасида Ўзбекистон халқ артистлари Ёдгор Саъдиев, Абдуҳошим Исмоилов, халқаро ва республика танловлари лауреатлари, ёш артистлар, "Се-Танҳо", "Жайхун", "Болалар", "Шаҳзод" каби машҳур гуруҳлар, Абдулла Тангриев, Ўткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов каби жаҳон ва Осиё чемпионлари, олимпия ўйинлари совриндорлари бор.

Фестивалдан олдин вилоятнинг шаҳар ва туманларида кўплаб учрашув ҳамда концертлар ўтказилди.

Пойтахтлик меҳмонлар ўқувчи ёшларни ўз санъати билан хушнуд этди. Спортчилар ва эстрада ижрочиларини ҳамма жойда самимий кутиб олишди. Автомобилсозлар шаҳри — Асакадаги тиббиёт коллежининг мажлислар залида Гиёс Бойтоев, Райхон Ғаниева, Ёдгор Мирзажонов қўшиқлар ижро этди.

— Андижонликлар санъат, хусусан, қўшиқнинг ҳақиқий ихлосмандларидир, — дейди республикада хизмат кўрсатган артист Гиёс Бойтоев. — Бизнинг чиқишларимиз юқори даражада кутиб олингани қувонарлидир. Ўйлайманки, бундан нафақат томошабинлар, балки биз — артист ва спортчилар ҳам янги куч ва илҳом олдик.

Меҳмонлар учун "ЎзДЭУ-авто" заводи бўйлаб экскурсия ташкил этилди. Балиқчи туманидаги қурилиш коллежида ҳам пойтахтлик меҳмонлар билан мулоқот бўлиб ўтди. Саҳна усталари ва спортчилар йиғилганларнинг саволларига атрофлича жавоб бериб, самимий тилаклар билдирдилар. Барча чиқишларда Ватанга муҳаббат, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш нечоғли муҳимлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

— Мазкур учрашувлар юртдошларимизнинг ҳамфикрлиги ва келажакка ишонч билан қарашини кўрсатди, — дейди вилоят ўрта махсус касб- ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Сойиб Ҳакимов. — Одамларимизнинг очиқ ва самимий мулоқотга, санъатга бўлган қизиқиши катта эканлиги яна бир бор намоён бўлди.

Эртасига андижонликлар "Баркамол авлод" стадионида бўлиб ўтган ёшлар фестивали гувоҳи бўлишди. "Баркамол авлод-2003" ўйинлари муносабати билан бунёд этилган стадион байрамона безатилди. Камалаклар ранг-баранг тусда жилоланади. Минглаб ҳаво шарлари учишга шай турибди...

Фестивалга олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчилари, турли касб эгалари бўлган ёшлар вакиллари тўпланган. Айниқса, стадионнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳилпираб турган сектори алоҳида ажралиб турибди.

Орзиқиб кутилган дақиқалар яқинлашмоқда. Стадион узра байрам ҳайқириқлари, фестиваль садолари, карнай ва сурнай овозлари таралади. Қисқа кириш сўзидан сўнг Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграйди. Тинчлик рамзи бўлган минглаб кабутар ва ҳаво шарлари кўкка парвоз қилади.

Анжуманда республикамизнинг таниқли артист ва ижрочилари ўз чиқишларини намойиш этди. Улар ижросида инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнат ва мардликни тараннум этувчи қўшиқлар янгради. Шу куни Андижон осмони узра узоқ вақт мусиқа садолари таралиб турди, андижонликларнинг қалби фахр ҳамда ватанпарварлик туйғулари билан тўлиб тошди.

Ёшлар фестивалида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Андижон вилояти ҳокими С.Бегалиев иштирок этди.

С. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Дастлабки кимошди савдоси

Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида хўжалик юритувчи субъектлар билан фуқаролар қарамоғида қорамоллар сонинигина эмас, зотдор моллар улушини ҳам кўпайтириш кўзда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикасида бу йўналиш бўйича биринчи қадам қўйилиб, Амударё туманидаги Манғит мол бозорида наслдор чорванинг дастлабки кимошди савдоси ташкил этилди. Тегишли сервис, таъминот, сунъий қочириш нуқталари билан бирга ташкил этилган бу тадбирга шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар, зооветеринария тизими фаоллари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг мутасаддилари таклиф қилиндилар. Дастлабки кимошди савдосига «Оқолтин» масъулияти чекланган жамияти томонидан 10 бош қора-ола зотдор қорамоллар қўйилиб, савдода қатнашиш учун буюртма берган талабгорлар томонидан харид қилинди.

Тадбирда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришга бағишланган ҳудудий кўргазма уюштирилди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда хорижлик ҳамкорлар билан ташкил этилган қўшма корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Бу ўз навбатида корхоналар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ва маҳсулот сифатининг юксалишида муҳим аҳамият касб этаётир. 2004 йил апрелда Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган "Интерсок" қўшма корхонаси ўзининг юқори сифатли шарбатлари билан юртимиздаги "2005 йилнинг энг яхши маҳсулоти" совринига сазовор бўлди.

ХАРИДОРГИР ШАРБАТЛАР

— Асосан Фарғона водийси ва Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида етиштирилган хомашё асосида "Фруктовий сад" савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган табиий шарбатларимизга талаб тобора ортмоқда, — дейди "Интерсок" қўшма корхонаси ижрочи директори Дмитрий Шубин ЎзА мухбирига. — Мамлакатингизда етиштирилаётган мева ва сабзавот ўзининг таъми ва шифобахшлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу маҳсулотларимиз харидоргирлигини таъминлаётган бош омилларандир. Энг муҳими, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан бизнеснинг ривожи йўлида яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар ишбилармонларнинг самарали фаолият юритиши учун кенг имконият яратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз каби ишбилармонлар ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Бу эса ўзаро истиқболли янги режаларни амалга ошириш учун пухта замин яратиши шубҳасиз.

Бугунги кунда 115 нафар киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада Россия технологияси ва Швециянинг "Tetra Pak" компаниясининг замонавий жиҳозлари ёрдамида 9 турда табиий шарбат ҳамда нектар бир литр ва 0,2 миллилитр ҳажмдаги идишларда тайёрланмоқда. Улар орасида маҳаллий хомашё — олма, шафтоли, олча, ўрик ва помидордан тайёрланаётган шарбатлар, айниқса, жуда харидоргир.

Ўтган йили корхона жами 4 миллион литр маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Жорий йил биринчи чорагида эса бу рақам 1,5 миллион литрга етди.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

«ХУШМАНЗАРА ХИТОЙ» ФОТОКЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги Республика байналмилал маданият марказида "Хушманзара Хитой" мавзуида фотокўргазма очилди. У Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Хитой миллий маданият маркази ҳамда Республика байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки мамлакат давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хитой — Шарқ цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан. Ҳар йили миллионлаб сайёҳни қабул қиладиган ушбу мамлакатнинг бой табиати, пурвиқор тоғларию мавжли дарёларини акс эттирувчи суратлар томошабинларни ўзига маҳлиё этиши табиий. Чэ Ганнинг "Жомолунгма", Ли Шаобанинг "Буюк Хитой девори", Ван Юйнинг "Хукоу шаршараси" каби суратлари шулар сирасига киради.

Фотокўргазмада Хитойнинг табиат манзаралари ва мамлакат тараққиётини акс эттирувчи суратларга кенг ўрин берилган. Юртимизда илк марта ташкил этилган ушбу кўргазмада хитойлик моҳир фотоусталарнинг бир юз йигирмага яқин сурати намойиш этиляпти.

Кўргазманинг очилишида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь иштирок этди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

Миллат ва халқ сифатида ўзини дунёга танита олиш учун ҳар бир қавм ва элат ўзига хос олий фазилатларини кўрсата билиши лозим. Ушбу фазилатлар орасида ижтимоий муносабатларини ўзида яққол ифодалайдиган, ижтимоий жараён сифатида узлуксиз рўй берадиган, ноёб ижтимоий-табиий қадрият ҳисобланадиган маҳалла — ўзбекларга хос, унинг давлатчилик анъаналарининг ҳаётий кўриниши дея тан олинадиган тушунча сифатида намоён бўлади.

Оқсоқоллар сайлови:

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЗЧИЛ БОСҚИЧИ

Бугунги кунда ҳам маҳалла институти дунё халқлари томонидан ўзбекларнинг ўтмиши ва келажак гарови, уларнинг доимий турмуш тарзи деб тан олинмоқда. Тўғри, мусулмон халқларида жамоа бўлиб яшашга интилиш, ўзгаларнинг кундалик ташвишларини баҳам кўриш, қувончига шерик бўлиш каби умуминсоний фазилатлар мавжуд. Аммо унинг нуфузли кўриниши ҳисобланган маҳалла каби синалган шакли кўплаб халқларда учрамайди. Шунинг учун миллат фахри, аждодлар мероси сифатида ҳар бир фуқаро ушбу қадриятимизни улуғлаши, қолаверса шундай одат ва анъаналарга содиқ қолиши ҳамда ушбу муносабатларнинг ривожига ўзининг ҳиссасини қўшиб бориши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек давлатчилиги ривожининг кафили сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш, унинг фаолиятини кенгроқ ташкил этиш, демократик институтларни шунинг ўзагида янада жонлантириш ҳар бир инсоннинг бурчи ва масъулияти бўлиб қолади. Биз юқорида келтириб ўтилган ва эътироф этилган қарашларимиз замирида маҳалла фаолиятини ташкил этишда масъул бўлган ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб тан олинган институтларнинг ҳуқуқий шаклланиши борасида сўз юритишга аҳд қилдик.

Маълумки, жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимиз миқёсида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, яъни вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўз ҳудудларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлашга масъулдирлар. Сабаби, жамият ва давлатнинг ички тартиби, тинчлик-хотиржамлиги, аввало, маҳаллий ҳудуд аҳолисининг кайфияти, манфаати ҳамда келажакка интилиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ҳамда олиб борилаётган демократик ислоҳотларда фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида муҳим босқичдир. Жумладан, 2004 йил 29 апрелда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида сайловларнинг ҳақиқий демократик асосда эркин бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини янада аниқ қилиб белгилаб қўйиш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу маънода мазкур Қонун шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳамда шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни ҳар томонлама ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи, сайлов кунига қадар ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланадилар. Айни пайтда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга.

Қонуннинг 5-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни очиқ ва ошкора амалга ошириш мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида тегишли ҳудудда яшайдиган фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилиниши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Қонунда давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари зиммасига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят, туман ҳамда шаҳарлар ҳудудида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди.

Сайловга кўмак берувчи комиссиялар Қонуннинг 1-моддаси талабларига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

— сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради;

— сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади;

— сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

— тегишли ҳудудда сайловга доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

— фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларини тинглайди;

— тегишли ҳудудда сайлов якунларини эълон қилади;

— фуқароларнинг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг ўрни катта аҳамиятга эга. Мазкур ишчи гуруҳлари таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат-нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Айни пайтда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари мазкур ишчи гуруҳлар таркибига киритилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилиб, ўрнига бошқа киши киритилади.

Сайловларнинг қандай ўтиши кўп жиҳатдан ишчи гуруҳларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларини самарали амалга оширишлари билан боғлиқ. Айниқса, бунда ишчи гуруҳ:

— фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилаши ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилиши;

— тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаши;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориши;

— фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқиши ва тегишли чоралар кўриши муҳим ўрин тутади.

Шуниси диққатга сазоворки, фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил қилинадилар. Бунда вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

Сайловдаги яна бир муҳим босқич бу — фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларни кўрсатиш ҳисобланади. Қонунда номзодларга қўйиладиган талаблар қуйидагича: фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади. Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.

Маҳалла институти мавқеини кўтариш, уни жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлашда сайловларни ошкоралик руҳида ва қонунларга мувофиқ ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бу борада республикамизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса демократик анъаналар янада мустаҳкам қарор топаётганидан далолат беради.

Шундай қилиб, 2006 йилдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловлар ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда, миллий қонунчилик, халқаро норма ва стандартларга тўла амал қилинган ҳолда бўлиши Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

М. РУСТАМБОЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти ректори, профессор.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Уй-жойни асраш масъулияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида «Коммунал соҳада бозор муносабатларини шакллантириш ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ўз уйларини сақланиши ва асралишини таъминлашлари борасида масъулиятини ошириш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси И. Кочмарик кириш сўзи билан очди.

Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги мутахассислари ва бошқа манфаатдор ташкилот ва муассасалар вакиллари қатнашган семинарда бугунги кунга келиб мамлакатимизда уй-жой фонди деярли хусусийлаштирилгани таъкидланди. Аммо уй-жой мулкдорлари ўзларига тегишли бўлган уй-жой фондини сақлаш ва асрашни мустақил таъминлашлари, бу орқали ўз хусусий мулкларининг қийматини сақлаб қолиши зарурлигини ҳанузгача англаб етганлари йўқ.

Хонадонлар ва уйлар хусусий эгаликка ўтган, бироқ уй-жой фондини бошқариш, таъмирлаш ва асраш учун янгича таъсирчан тизим яратилмаган. Хусусий УЖМШлар бугунги кунда ҳақиқий уй-жой мулкдорлари бирлашмаларига айланмаганлиги туфайли яшовчилар муаммоларини ҳал этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Семинарда мазкур соҳа бозорида рақобат юзага келиши учун ҳуқуқий база ва моддий шароитлар юзага келмаса аҳволни ўнглаш мушкуллигига алоҳида урғу берилди.

Анжуман иштирокчилари соҳадаги муаммолар ечимини топишда давлат ташкилотлари, молия ва банк тузилмаларининг доимий амалий кўмаги, марказий органлар, туман ва шаҳар ҳокимларининг масъулиятини ошириш зарурлигини қайд этдилар.

Шунингдек, тадбирда коммунал соҳада бозор муносабатларини шакллантириш, хусусий уй-жой мулкдорларининг ўз уйларини сақлаш ва асрашларини таъминлашда уларнинг масъулиятини ошириш ҳамда бу борада амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Тадбирли тадбиркорлар

Бугун ишнинг кўзини биладиган тадбиркорнинг куни туғди, ўз салоҳиятини намойиш этиш учун имконият эшиклари кенг очилди. Ҳалолликни ҳаёт тарзига айлантирган тадбиркор нафақат ўзини, ёнидагиларни, балки юртни ҳам бойитади. Бунга тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган муҳим ҳужжатлар имкон берди.

Суннатилла Алмасов бош бўлган Данғара туманидаги "Сардор текстиль" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси асосан маҳаллий хомашёдан кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Яқинда улар россиялик ҳамкорлар билан фойдали битим туздилар. Унга кўра, корхона ишчилари россияликларга ишчи коржомалари тикиб беришаётир. Айни пайтда бу ерда 65 нафар ёшлар икки сменада ишламоқда. Ишчилар учун корхонада барча шароитлар яратилган.

— Ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ниятимиз бор, — дейди корхона раҳбари С. Алмасов. — Бу эса яна 35 нафар ёшларни ишга қабул қилиш имконини беради.

СУРАТДА: моҳир тикувчи Идияхон Фахриева иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Республикамизда таълимни ахборотлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, ахборотни электрон шаклда жамлаш, узатиш, интернет тизимидан кенг фойдаланиш ва таълим жараёнига инфокоммуникация технологияларини жорий этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

«Ахборот дунёси» — электрон газета

Тошкент ахборот технологиялари университети ташаббуси билан "Ахборот дунёси" электрон газетасининг ташкил этилгани бу соҳада янгилик бўлди. Ушбу нашр бир қатор қулайликларга эга эканлиги билан эътиборга молик. Ўқувчилар сонининг чекланмаганлиги, интернет орқали уларни етказиб бериш тезлиги, фойдаланувчилар муаллифлар билан ўзаро мулоқотга киришиш имкониятининг мавжудлиги ва ҳаммаблиги шулар жумласидандир.

Талабалар ва ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, таълим имкониятларини янада ривожлантиришни мақсад қилган ушбу газетада университет ҳаётига оид хабарлар, медиотаълим материаллари, соҳадаги турли янгиликлар ҳамда ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари мунтазам бериб борилади.

Улуғбек ХОЛИҚОВ,
Тошкент Молия институти талабаси.

Бўҳтонга жавоб

ВАТАНДАН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС...

Қирғизистонда нашр этиладиган "Дело №" газетасининг яқиндаги сонларидан бирида Роза Отунбаева деган сиёсатчи аёлнинг интервьюси эълон қилинди. Мухбир "опахон"га бир оз қалтис, унинг қитиқ патига тегадиган савол беради:

"Сиз ўтган йилнинг март ойида содир бўлган рангли инқилобнинг етакчиларидан бирисиз. Нега у ҳолда мамлакат парламенти сизнинг номзодингизни ташқи ишлар вазири лавозимига тасдиқламади?!"

Савол сиёсатчини анча ноқулай аҳволга солиб қўйган шекилли, дастлаб парламентда ҳали ҳам собиқ президент Акаев тарафдорлари кўплигидан нолийди, сўнгра эса кўнглида сақлаб юрган "маломат тоши"ни отади: "Андижонлик қочоқларни Руминияга жўнатиш ташаббускори ва ташкилотчиларидан бири бўлганман. Шунинг учун парламентдаги ўзбек депутатлари мендан ўч олишди".

Отунбаева хонимнинг парламент ҳар қандай лавозимга номзодларнинг иқтидори, қобилияти, қолаверса, халқаро миқёсдаги обрўйига қараб баҳо беришини билиб-билмасликка олгандай жавоб берганлигидан ажабланасиз. Ахир, Қирғизистон парламентида ўзбек миллатига мансуб депутатлар ўн фоизни ҳам ташкил этмайди-ку. Номзодга эса депутатларнинг анча-мунчаси эмас, учдан икки қисми қарши овоз берганлиги оммавий ахборот воситалари хабарларидан маълум. Демак, машъум Андижон воқеалари туфайли қўшни мамлакатдан қўним топган қочиинларни олис Руминияга жўнатиш, баъзи сиёсатчилар айюҳаннос солганларидай, "бутун жамоатчиликнинг фикри" эмас, балки бир гуруҳ калтабин сиёсатчиларнинг хоҳиш-иродаси экан. Мана энди улар бу "жасорат"ларидан мансаб деса эътиқодларидан ҳам воз кечадиган зот эканликларини яшириш учун фойдаланишаяпти. Кўпчилик сайлаган депутатлар эса ким кимлигини, қолаверса, қўшнининг дарди унинг ҳам дарди, ташвиши эса ташвиши эканлигини яхши билади.

Аслида Роза Отунбаева рангли инқилоб тўлқинларида юзага чиқиб қолган янги сиёсатчилардан эмас. Илгари, Акаев раҳбарлиги даврида ҳам ташқи ишлар вазири, элчи сифатида фаолият кўрсатган. Лавозимидан кетгандан сўнг эса бирдан ўзини мухолифатчилар сафида кўрди. У ҳамон отдан тушса ҳам эгардан тушмайди. Бот-бот "рангли инқилобни мен, Бекназаров (собиқ бош прокурор) билан амалга оширганмиз, сўнг Бакиевни президентлик "тахти"га ўтказганмиз дейишдан, ҳатто ўзини "Қирғизистоннинг Юлия Тимошенкоси" деб аташдан тортинмайди.

Майли, бу бўҳтонлар, уйдирмалар Отунбаева хонимнинг виждонига ҳавола. Биз унга биринчи навбатда оила шаъни, хонадон ҳурматини доимо ҳар нарсадан юксак тутадиган шарқ аёлларидан бири эканлигини эслатиб қўймоқчимиз ва бир савол бермоқчимиз. У ўзи "иззат-икром" билан самолёт зинапоясигача кузатиб қўйган "қочқин"ларнинг олис юртдаги ҳолидан хабар олдимикан?! Уларнинг ўзга юртда дарбадар, сарсон-саргардон, маблағсиз, тўзиб юришганлигини билармикан?!

Шу ўринда унга бир нохуш хабарни маълум қилайлик. У "мехроқибат" кўрсатган кимсалар орасида Шаҳодатхон Муфтохиддинова деган онахон ҳам бор эди. У қўшақўша мусибатларга, хусусан олис юртда мусофирчиликка дош беролмай ҳаётдан кўз юмди.

Бундай ҳоллар Отунбаева хонимни заррача ташвишлантирмаса керак. Чунки, у ўз таъбири билан айтганда, "миссиясини бажариб бўлди". Лекин бу мудҳиш хабар бутун андижонликлар, аҳли водий, ўша марҳуманинг ватандошларини ўртаб юборди. Балки ҳали олтмишни ҳам қораламай ҳаёт билан видолашган онахоннинг кўз ўнгидан она қишлоғи, нафақат Андижоннинг, балки водийнинг энг гўзал гўшаларидан бири Боғишамолнинг жаннатмакон манзаралари ўтганмикин?!

Андижон воқеаларидан ким, қай йўсинда, қандай манфаат йўлида фойдаланса, бу унинг виждонига ҳавола. Лекин тарих бу воқеага ўз баҳосини бераяпти. Шаҳидлар ҳам, малъунлар ҳам унутилгани йўқ. Фарғона вилоятида машъум воқеаларга билиб-билмай аралашиб нобуд бўлган 5 нафар одам ҳамда шаҳид бўлган 3 нафар ҳарбий хизматчи вафотининг бир йиллигига бирдай ҳозирлик кўриляпти. Юртбошимизнинг бағрикенглиги туфайли уларнинг бегонаси йўқлиги рўйи-рост айтиляпти. Бувайдаликлар шаҳид кетган ҳарбий хизматчининг уйини тўлиқ қайта таъмирлаб, тиклаб беришди. Қабрига бюст ўрнатиб, номи абадийлаштирилди.

Яқинда Фарғона политехника институтида янги ташаббус туғилди. Институтда 500 дан зиёд андижонлик талабалар таҳсил олар экан. Улар вилоятдаги мактабларга чиқиб, Андижон воқеаларининг асл сабабларини, ташкилотчилари, «буюртмачилари» кимлигини ҳикоя қилиб беришаяпти. Чиндан ҳам, миш-мишлардан, олди-қочди гаплардан кўра бор гапни биринчи оғиздан эшитганга нима етсин. Уларнинг аксарияти учрашувни шоирнинг "Ватандан яхши ёр бўлмас" шеъри билан бошлаяпти экан.

Буларнинг барчасини Отунбаева хоним билармикан?!

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

Янги авиайўналиш

Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг мустаҳкамланиши Оролбўйи диёрида ҳам ўз меваларини бермоқда. Устюртнинг беҳисоб бойликларини биргаликда ўзлаштиришга киришиш минтақа имкониятларини кенгайтираяпти. Айнан шу ҳамкорлик натижасида «Москва-Нукус», «Нукус-Москва» йўналишида янги авиарейс очилди. Ҳар пайшанба куни 120 нафар йўловчи «Газпромавиа» компаниясига қарашли ҳар томонлама қулай «ЯК-42» самолётида Нукусга келиб, шу куни яна шунча йўловчи билан Москванинг Внуково аэропортига бориб қўнмоқда.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Газетада босилмади, аммо...

Чораси топилмоқда

Таҳририятга келган хат:

«Кейинги пайтларда биз яшаётган Ғ.Умаров номли ширкат хўжалигига қарашли 2-Хиёбон кўчасига ичимлик суви умуман келмай қўйди. Сув келадиган тармоқлар борлигига қарамай, кимларнингдир иссиқхоналарига тортиб олинаётгани эвазига биз сувдан маҳруммиз. Яқинда кўчамиздаги бир маиший масканнинг очилишига туман ҳокими ташриф буюрди. Шу баҳона биз ҳам ичимлик сувидан вақтинчалик баҳраманд бўлдик. Ҳоким кетгач эса яна сув қуриди. Арзимизни кимга айтайлик?

Э.ҲОШИМОВ
ва бошқалар.
Тошкент тумани.

Таҳририятга келган расмий жавоб:

"Тошкент тумани, жумладан Ғ.Умаров номли ширкат хўжалиги аҳолиси ичимлик суви билан Тошкент шаҳридаги "Сувсоз" трестига қарашли "Қодирия" сув иншооти орқали таъминланади.

Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланишини яхшилаш мақсадида ер ости суви захираларидан фойдаланиш лойиҳасининг ҳужжатлари тайёрланган. Бугунги кунда лойиҳа асосидаги қурилиш ишлари давом этмоқда. Айни пайтда туман ҳокимлиги томонидан белгиланган жадвал асосида ичимлик суви истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

З.НИЯЗОВ,
Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари".

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Microsoft жаримадан норози

2004 йилдан буён Еврокомиссия компьютер дастурларини ишлаб чиқарувчи Microsoft компаниясини иттифоқ ҳудудида рақобатчилик қоидаларини бузганликда айблаб келмоқда. Ҳатто, ўтган йили компанияга нисбатан суд орқали 497 миллион евро миқдорида жарима ҳам қўлланилганди. Microsoft ҳам бундан норози бўлиб, Европа судига даъво ариза киритганди. Куни кеча Люксембургда яна суд жараёни бошланди. Ушбу ишни бир ҳафта мобайнида 13 та судья кўриб чиқади. Бироқ кузатувчи-

ларнинг фикрича, судьяларнинг бир қарорга келиши учун камида ярим йил вақт кетади.

Эслатиб ўтамиз, Microsoft компаниясининг маҳсулотлари бугунги кунда дунёнинг 90 фоиз компьютерларига ўрнатилган.

Аскарлар ва полициячиларга ҳужум кучаймоқда

Сешанба куни Бағдоднинг икки ҳудудида 28 нафар маҳаллий полициячининг, Абу-Грейб қамоқхонаси яқинида эса 15 нафар ўсмирнинг жасади топилган. Сўнгги маълумотларга қараганда, охирги пайтларда Ироқда аксилҳукумат ҳаракатлари кучайиб бормоқда. Мамлакатнинг турли ҳудудларида америкалик аскарларга ва маҳаллий полиция ходимларига тез-тез ҳужумлар уюштирилмоқда.

«Ниссан» завод қурмоқчи

«Нихон Кейдзай» газетасида ёзилишича, Японияниг «Ниссан» автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияси Санкт-Петербургда завод қурмоқчи.

Бунинг учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни режалаштирмоқда.

Шу ой бошида Россиянинг иқтисодиёт ва савдо вазири Герман Греф ҳам мазкур компания мамлакатда «Ниссан» автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштираётгани ҳақида гапирганди. Агар ушбу завод қурилиб, ишга тушадиган бўлса, йилига 20 мингта енгил машина ишлаб чиқариш имконияти туғилади.

Дахабда портлашлар

Мисрнинг Қизил денгиз қирғоғи бўйида жойлашган Дахаб дам олиш масканида уч маротаба портлаш рўй берди. Сўнгги маълумотларда айтилишича, камида 30 киши қурбон бўлган. Бир неча ўнлаб одам жароҳатланган. Қурбонлар орасида уч нафар хорижлик фуқаро ҳам бор.

Маҳаллий полиция вакилининг айтишича, террорчилар қўлбола бомбадан фойдаланишган. Мазкур воқеа муносабати билан мамлакат президенти Хусни Муборак телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, портлашларни террорчилик ҳаракати деб атади ва айбдорлар албатта одил суд қилинишини таъкидлади.

Экспорт ҳажми ошади

Ушбу ҳафта бошида Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар халқаро кўргазмаси очилди. Россия делегациясига раҳбарлик қилаётган Михаил Дмитриев журналистларга интервью берар экан, жорий йилда расмий Москва 5,7 миллиард долларлик қурол сотишни режалаштираётганини маълум қилди. Михаил Дмитриевнинг сўзларига қараганда, айни пайтда дунёнинг 82 та давлатига Россиядан қурол-яроғ ва ҳарбий техника экспорт қилинаяпти.

Айни пайтда Куала-Лумпурда бўлиб ўтаётган кўргазмада Россиянинг 14 та компанияси ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

«Спирит» оқсаб қолди

Американинг «Спирит» марсоходининг олти оёғидан бири ишдан чиқди ва энди уни қайта тиклаб бўлмайди.

Эгизак марсоходлар «Спирит» ва «Оппортьюнити»ни бошқариб турадиган Калифорния штатидаги лаборатория мутахассислари шундай қарорга келишди. Олимларнинг айтишича, бир қанча тадқиқотларни ўтказган «Спирит» сунъий йўлдошининг ўнг тарафдан охирги ғилдираги айланмай қолган. Унинг айланишини таъминловчи электромотор ишдан чиққан.

Парранда гриппи вируси топилди

Буюк Британияда ҳам H5N1 парранда гриппи вируси топилди. Айни пайтда мамлакатда мазкур вируснинг кенг тарқалишига қарши уч ҳафтага мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди.

Ҳукумат томонидан эълон қилинган баёнотда таъкидланишича, мамлакатнинг барча аҳолиси бепул эмланади. Ҳужжатда келтирилишича, соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган ходимлар биринчи навбатда вакцина билан таъминланадилар.

Парранда гриппига қарши курашишни мувофиқлаштириш бўйича ҳукумат томонидан тузилган комиссия вакилларининг ҳисоб-китобларига қараганда, ушбу офат 709300 нафар британияликнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Бу каби шов-шувли хабарларнинг тарқалиши мамлакат аҳолисида саросима уйғотмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Жиззах туманининг энг чекка — Қулама қишлоғида Б. Қулбоев номли 8-умумтаълим мактаби бор. Анча нураган мактаб биносининг қисқа фурсатда қайта чирой очишини, рости, қўпчилик кутмаганди. Яқинда ўтказилган йиғилишда худди шу ҳақда сўз борди. Қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшган илм даргоҳининг ичкарисига кирган меҳмонлар замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган фан кабинетлари, видеозал, спорт зали, кутубхонага юқори баҳо бердилар.

Мактабга меҳр қўйганлар

Маросимда ҳозир бўлган Халқ таълими вазирлиги вакили «Мерос» хусусий фирмаси қурувчиларига самимий миннатдорчилик изҳор этган бўлса, вилоят ҳокими мактабга 5 та замонавий компьютер ҳадя этди.

Яқинда худди шу каби маросим Равот қишлоғидаги 9-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

Бошқа жойларда бўлганидек, Жиззах туманида ҳам 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига биноан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Биргина ўтган йилда 7 та мактаб мукаммал таъмирланди. Жорий йил охиригача яна 10 та мактаб биноси қиёфасини янгилайди. Айни пайтда яна бир мактаб қурилиши жадал суръатларда олиб борилаяпти. Бир пайтнинг ўзида «Таълим муассасаларини ободонлаштириш» режасига мувофиқ эрта баҳордан 2 минг тупдан зиёд гул кўчатлари, 500 тупга яқин мевали ва манзарали дарахт экилди. Мактаблар атрофига ўтказилган 40 мингдан зиёд терак қаламчалари бўлғуси қурилишларда аскотиши шубҳасиз.

Бошқа қишлоқлардаги 11, 16, 19, 31, 34-ўрта мактаблар ҳам сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланди. Аксарият мактабларда Интернет тармоғи ишлаб турибди. Ҳозиргача 7 та мактабнинг физика ва кимё лабораторияларига энг зарур замонавий жиҳозлар жамланмаси ўрнатилгани ўқувчиларнинг мукаммал билим олишига имкон бермоқда.

Жорий ўқув йилида мактаблар кутубхоналарида оммавий ўтказилган «Китоб марафони» ҳам ўз самарасини берди. Тумандаги фермерлар, тадбиркорлар, ижодкорлар қатнашган марафон чоғида кутубхоналарга жами 7,5 миллион сўмликка яқин дарслик ҳамда бадиий адабиётлар тақдим этилди.

Мактаблардаги ташаббускор ўқитувчиларнинг 4-8 синф ўқувчилари ўртасида фан олимпиадалари ўтказиш ҳақидаги таклифларининг қўллаб-қувватлангани эса айни муддао бўлди. Иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш, улар учун қўшимча машғулотлар ташкил этиш, ўғил-қизларни фан олимпиадаларининг вилоят ҳамда республика босқичларига тайёрлаш тизими ўз сўзини айтиб улгурди. Натижада ҳозир 15 та мактабда 15 фандан олимпиада заҳира синфлари ташкил этилиб, ўқувчилар 5-синфдан бошлаб олимпиадалар иштирокчиси бўлиш орзусида тайёргарлик кўришаяпти.

— Ўқитувчи меҳнати самараси унинг шогирдлари тимсолида кўринади, дейишади. Бу тўғри. Аммо доимий изланишда бўлмаган мураббий бугуннинг талаблари даражасида таълим беролмаслиги ҳам аниқ, — дейди 17-ўрта мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Кўчқор Усомов. — Билимдон ўқитувчиларни аниқлаш учун эса турли танловлар ўтказамиз. Масалан, туманимиздан 2005-2006 ўқув йилида ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» вилоят кўрик-танловида қатнашган 14 нафар ўқитувчи ғолиблар сафидан жой олди. Уларнинг 7 нафари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Халқ таълими бўлими услубхонаси айнан мана шундай илғор, изланувчан ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштиришга эътибор қаратаяпти. Мазкур ўқув йилида муаллимларнинг 96 та ноанъанавий дарс ишланмалари, 18 та услубий тавсиялари ишлаб чиқилди.

Туман халқ таълими бўлимининг Жиззах давлат педагогика институти, вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти билан ҳамкорликдаги ташкилий-илмий ишлари ҳам эътиборга молик. Бу йил институтни Давлат гранти асосида тугатаётган 38 нафар мутахассис туман мактабларида ишлайдиган бўлди.

Бўлажак ўқитувчилар ўқиш пайтидаги амалий машғулотларини ўтказган, меҳрлари тушган мактабларига ошиқишмоқда. Бу ҳолни эса фақат олқишлаш лозим...

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда соҳа корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича «Ипотекабанк» томонидан ҳам 2005 йилда муайян ишлар амалга оширилди.

Маълумки, «Ипотекабанк» муҳим ижтимоий масалалардан бири — уй-жой қурилиши ва бозорини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Лекин шунга қарамай бугунги кунда у универсаллик мақомидаги молия муассасаси сифатида фаолият кўрсатаяпти. Бир мисол.

«ИПОТЕКАБАНК»:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА УСТУВОРЛИК

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга эътибор кескин кучайтирилгани натижасида бугун мамлакатимизнинг 1 миллиондан зиёд фуқароси айнан шу тармоқда муқим иш ўрни ва доимий даромад манбаи билан таъминланган. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган ғалла ва пахтанинг 65 фоизгача бўлган қисмини эса фермер хўжаликлари етиштирмоқда. Соҳада бундай катта ютуқларга эришишда «Ипотекабанк» ҳам ўз улушини қўшиб, фермерларни қўллаб-қувватлаб келаяпти. Банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган кредитлар миқдорининг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

2005 йилда банкда давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари сони 3200 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич 2004 йилдагига нисбатан 1253 тага ёки 164 фоизга кўпдир. Давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёси етиштириш учун ажратилган кредитлар миқдори эса 9326 млн. сўмни ташкил этиб, бунгги йил кўрсаткичига таққослаганда 6788 млн. сўмга ёки 367 фоизга кўпайди.

Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналари ана шу имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиб, давлатга белгиланганидан 60000 тоннадан зиёд дон, 105000 тоннадан кўп пахта топширдилар. Бунинг эвазига 32,5 млрд. сўмдан ортиқ даромад олинди.

2004-2005 йиллар давомида банк томонидан фермер хўжаликларига ажратилган 1,5 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар эса қишлоқ хўжалиги техникаси, яъни ҳайдов ва чопиқ тракторлари, «Енисей» ва «Клаас» русумли ғалла ўриш комбайнлари сотиб олишга йўналтирилди.

Бу йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2006 йилнинг биринчи чорагида банк томонидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 3343 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 716 млн. сўм ёки 127 фоиз ошиқдир.

Шу кунларда «Ипотекабанк» тизимида жами 130 мини банк мавжуд бўлиб, шундан 90 таси қишлоқ туманларда фаолият кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, улар 12800 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатаяпти. Мижозларнинг 2730 таси эса фермер хўжаликларидир.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этиши аён. Бу борада ҳам «Ипотекабанк» бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Жаҳон банки ва Осиё Тараққиёт банкининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» ҳамда «Дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш» лойиҳалари доирасида ана шу молия муассасаларининг кредит линияларини ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, «Ипотекабанк» Осиё Тараққиёт банкининг 3,1 млн. АҚШ доллари-лик, Жаҳон банкининг 300,0 минг АҚШ долларилик маблағларини ўзлаштирмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда Жаҳон банки ва Осиё Тараққиёт банкининг кредит линиялар маблағлари асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳайдов ва чопиқ тракторлари, «Клаас» русумли ғалла ўриш комбайнлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологик линиялари, асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтирилиши белгиланган. Бу эса пировард натижада соҳада янги иш ўринларини яратиш, мавсумий агротехника чора-тадбирларини ўз муддатида сифатли ўтказиш, экинларни парваришлаш ва ҳосил етиштириш харажатларини камайтириш, уни мақбул муддатларда йиғиштириб олиш ишлари унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш каби ижобий натижаларга эришишга имконият яратади.

Шуниси эътиборлики, ҳозирга қадар фермер хўжаликларига жами 600 млн. сўмлик 76 дона қишлоқ хўжалиги техникаси, «ВТ-150Д», «ТТЗ-80» русумли ҳайдов ва чопиқ тракторлари, культиватор, сеялка, ОВХ ва бошқа турли техника воситалари имтиёзли шартларда, кредит ва лизинг асосида етказиб берилди.

Банк жамоаси бундан буён ҳам республикамизнинг етакчи соҳаси бўлган қишлоқ хўжалик жабҳасида фаолият юритувчи фермерлар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга кредитлар бериш, мини банклар тармоғини кенгайтириш, мижозларга малакали хизмат кўрсатиш, амалиётларни ўз вақтида, сифатли бажариш ҳамда мижозларнинг сонини кўпайтириш борасидаги ишларни изчил давом эттираверади.

Муҳрланган лаҳзалар

Мен қаламга олаётган инсон — атоқли олим, журналист Омонулла Файзуллаев бу йил саксон беш ёшга кирдилар. Ҳали ҳам тетик, бардам-бақувват. Машҳур алломалардан бири Қори-Ниёзий унга: «Сенинг зеҳнинг баланд экан, илм қил, катта олим бўлурсан», деб маслаҳат берганини эшитганим бор. Ўша зотнинг маслаҳати, қолаверса, унинг саъи-ҳаракатлари туфайли Омонулла Файзуллаев ўзини илмга урган. Мана, энди у фалсафа фанлари доктори, профессор, фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати. Катта ва етук олим бўлса ҳам қон-жонига сингиб кетган касби — журналистикадан ажралмади. Зеро, газетчилик касби-кори унинг илм чўққиларига кўтарилишига замин бўлди, журналистикада қалами обдон чархланиб, ақлзаковати, тафаккури пишиб, етилиб кириб борди.

Уни бир марта газеталар биносида учратиб қолганимда: «Ўзингиз дастлаб иш бошлаган шу муқаддас даргоҳни ҳеч қачон «унутмайсиз-а?» дедим. У бўлса кулиб: «Ўзингиз-чи, сиз ҳам шу касб касаллигига учрагансиз, саксонга кирган бўлсангиз ҳам нари кетолмай юрибсиз-ку», деди ҳазилга олиб.

Омонулла Файзуллаев республикамизда чоп этиладиган кўп нашрларда илмий-публицистик мақолалари билан тез-тез қатнашиб туради. У ўз эсдаликларида: «Бундан қарийб олтмиш йил илгари илм даргоҳига ўтиб кетган бўлсам ҳам, шу давр ичида бир дақиқа бўлсин газетадан узилмадим», деб ёзади ғурур билан.

Ўзбекистон РФА И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти профессор О. Файзуллаевнинг 85 йиллиги муносабати билан чоп этган китобда олим, журналист, моҳир публицистнинг ҳаёти, ижодий, илмий фаолияти батафсил ёритилган. Уни бирма-бир варақлаб кўрсангиз, олимнинг ижодий фаолияти ҳақида тегишли маълумотларни оласиз.

Омонулла Файзуллаевнинг журналистиканинг публицистик соҳасидаги изланишлари ўзига хос услубга эга. Мана, қўлимизда унинг «Газета — давр муҳри» сарлавҳали мақоласи:

«Эллик йил бўлибди, биринчи мақолам чиққанига, рўзнома муҳарририятидан бошқа ишга ўтганимга ҳам мана қирқ йилдан ошибди. У замонлар энди тарих бўлиб қолди...», деб ёзади. Ҳа, у кунлар муҳрланиб қолди. Чунки ҳаёт ўзи бир китобки, ёзган билан адоқ бўлмайди.

Журналист, олим Омонулла Файзуллаевнинг илмий-тарихий мавзуларда ёзган мақолаларида қадимда ўтган буюк бобокалонларимиз, уларнинг жаҳон фани, маънавиятига қўшган оламшумул кашфиётлари илмий-тарихий фактлар, маълумотлар асосида ёритиб берилган. Ибн Синонинг руҳ ҳақидаги таълимоти ва унинг ҳозирги замон фани учун аҳамияти, Улуғбекнинг билиш назарияси ёки машҳур жадвали ва унинг фан ривожига қўшган ҳиссаси, Алишер Навоий мутасаввуф-файласуфлар ҳақида ёки Навоийнинг бадиий ижодида табиат тасаввурлари. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Омонулла Файзуллаевнинг истиқлолимиз йилларида ёзган битикларида мустақиллик даврининг бозор иқтисодиёти, маънавияти, мафкураси ва бошқа масала, муаммолар ҳақида сўз боради. Фикримизнинг исботи учун истиқлол йиллари чиқишларининг мавзуларига эътибор қилинг: «Миллий истиқлол мафкураси» қандай бўлиши керак?» ёки «Мустақиллик шароитида илмий-тадқиқот методлари жаҳон фондини бойтиш ва ундан фойдаланиш масалалари», «Ислом Каримовнинг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобидаги муаммолар, вазифалар, ечимлар», «Мафкурамиз мазмуни» (И. Каримов асарлари ҳақида), «Истиқлолимиз ва истиқболимиз фалсафасини яратайлик».

Кўриниб турибдики, алломанинг илмий изланишларида истиқлолимиз руҳи, мамлакатимизда амалга оширилаётган инқилобий ислоҳотлар, унинг ечимлари, муаммолари ўз ифодасини топган. У шу табаррук ёшда ҳам фикр-тафаккури янги замон руҳи билан яшамоқда.

Мақсуд ҚОРИЕВ.



Спорт

Касби тумани марказидаги «Дўстлик» стадионида Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган улоқ-кўпкари бўйича турнир бўлди. Унда республикамизнинг етти вилояти вакиллари иштирок этдилар.

Чавандозлар беллашдилар

Мусобақа мезбони — Қашқадарё вилояти 2 та жамоа билан қатнашди. Икки кун давом этган қизғин баҳслардан сўнг кучлилар сараланди. Финалда Тошкент вилояти ва Қашқадарёнинг иккинчи жамоаси ғолиблик учун баҳс олиб борди. Тажриба бобида анча устун бўлган тошкентлик чавандозлар 4:2 ҳисобида ғалабага эришиб, турнир шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Шу ерда ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Улоқ-кўпкари спорти тарихида биринчи марта ўтказилган бу мусобақада қашқадарёлик ёш чавандозларнинг қўли баланд келди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари чавандозлари эгаллашди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Рустам Саидов Ҳиндистонга боради

Ҳамюртимиз Рустам Саидов халқаро миқёсдаги футбол мусобақаларини бошқаришда анча тажриба тўплаган. У 16 май куни бўлиб ўтадиган Осиё футбол конфедерацияси баҳслари доирасидаги «В» гуруҳининг учрашувларига бош ҳакам қилиб тайинланди. Унга Фарҳод Абдуллаев ва Арслон Ҳотамовлар ёрдам беради.

Эслатиб ўтамиз, Рустам Саидов бошқарадиган баҳсда Ҳиндистоннинг «Демпо» ва Туркманистоннинг «Марв» жамоалари майдонга тушадилар.

Биринчи рақиб — Малайзия

Жорий йилнинг 21-26 май кунлари пойтахтимизда футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

«Зарафшон» киноконцерт залида чемпионат баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси қуръа натижаларига кўра, «А» гуруҳидан жой олди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Ҳамюртларимиз ушбу гуруҳда Хитой, Хитой Тайпейи ва Малайзия терма жамоалари билан баҳс юритади. Вакилларимиз дастлабки учрашувни Малайзия футболчиларига қарши ўтказади.

Синхрон сузувчиларимиз Таиландда

Айни кунларда Таиландда синхрон сузиш бўйича мамлакат очиқ чемпионати давом этмоқда.

Унда мураббий Галина Краснова бошчилигидаги ўн беш нафар ёш спортчиларимиз ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Ушбу спортчилар Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон, Хоразм ва Фарғона вилоятлари жамоаларидан саралаб олинган.

З.ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Республика биринчилиги

Жиззахда 1991-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 300 нафарга яқин боксчи куч синашди.

Мусобақага водий вилоятлари спортчилари алоҳида тайёргарлик билан келганликларини намойиш этишди. Жамоа ҳисобида Андижон вилояти ўсмирлари ғолиб чиқишган бўлса, фарғоналиклар иккинчи, Наманган вилоят боксчилари жиззахлик тенгдошлари билан учинчи ўринни эгаллашди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Велоспортчиларнинг тинчлик боғи

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан велопойга ўтказилди. Водий вилоятларининг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб йўлга чиққан пойгачилар Ёзёвонда Тинчлик боғини барпо этдилар. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ёшлари мустаҳкам дўстлик, аҳиллик ва ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўз қўллари билан яратган боғда турли тадбирлар, учрашувларни ташкиллаштиришни мақсад қилиб қўйишган. Тинчлик боғига юзлаб мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ ОҲАНГЛАРИ

Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Япония жамғармаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония «Инсон имкониятларини ривожлантириш маркази»да кунчиқар мамлакатнинг замонавий ва мумтоз мусиқаси концерти ташкил этилди.

Тадбир очилишида сўзга чиққанлар икки мамлакат ўртасидаги таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият соҳаларидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганлигини таъкидлашди. Шу жумладан, мамлакатимизда кунчиқар мамлакат ҳаёти, иқтисодиёти, тили, техникаси билан қизиқувчи ёшлар ҳам оз эмаслиги айтиб ўтилди. Икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожланишида ўтказилаётган санъат фестиваллари, мусиқий кечалар, бадиий кўргазмалар муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир давомида япониялик «Эксельсиор» торли квартетининг мусиқий дастури намойиш этилди. 1994 йил ташкил топган мазкур гуруҳ таркибидаги ёш ижрочилар кўплаб халқаро концертларда иштирок этиб, бир неча бор турли танловларнинг гран-приси соҳиби ҳам бўлганлар. Бир қатор давлатларда ўтказилган концертлар орқали минглаб мухлислар орттирган.

«Эксельсиор»нинг юртимизга қилган ташрифи давомида Ўзбекистон Ёшлар театри, В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейида мусиқий дастурлари намойиш этилди.

Тадбирнинг очилишида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

Юлдуз РИЗАЕВА.

DEMIR Тел.: 68-26-59, 184-83-25, 184-83-26.
Тел./факс 68-17-11.
E-mail: siruba@dmrgroup.com.tr mac_erdogan@yahoo.com
ШВЕЙНЫЕ МАШИНЫ ВСЕХ ТИПОВ и др. ТЕКСТИЛЬНОЕ ОБОРУДОВАНИЕ
SIRUBA
INDUSTRIAL SEWING MACHINE
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
г. Ташкент, ул. Паркентская, 51.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси фольклор бўлими етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Мунаввара Ёқуббековага онаси **Озодахон ая ЖАЛИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат авиация институти жамоаси Менежмент кафедраси профессори Зиёвуддин Ғуломовга акаси **Фахриддин ТОҲИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради ва чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси матбаамизнинг фахрийларидан бири Норимон Холбековга волидаи муҳтарамаси **НАСИБА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Гидравлика кафедрасининг собиқ мудири, доцент **Абдужаббор Юнусович УМАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти «Тоҳир-Бағдод ТВ» жамоаси «Уржуза» кўз касалликлари шифохонаси бош ҳакими Қобулжон Ғофуровга волидаи муҳтарамаси **ҲАМИДАХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

KAPITAL SUG'URTA
Информационный партнер:
Ассоциация Гольфа Узбекистана
АКБ «KAPITALBANK»
Ташкентский Гольф Клуб
1-й ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА ПО ГОЛЬФУ
Организатор — Ассоциация гольфа Узбекистана.
При поддержке Ташкентского гольф-клуба.
Генеральный спонсор — KAPITALBANK.
1. Игра на 18 полях:
➢ игра с учетом гандикапа
2. Гольф состязания:
➢ состязание на патере
➢ состязание на дальний удар
Участники — граждане Республики Узбекистан
Гражданам Республики Узбекистан в течение 2006 года бесплатно предоставляются:
➢ занятия
➢ корзина с тренировочными мячами
➢ набор клюшек
➢ обувь для игры в гольф
Capital cup
Ташкент 2006
14 мая
Горячая линия:
113 - 11 - 33
Стань участником!

ШПАТЛЕВКА
OLIY SIFATLI
Юқори навли
Қалбакилардан сақланинг
Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!
AzKO
(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» к., 1б.
Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.
Tsh 64-0515991-01-2002
10

Халқ сўзи
Народное слово
Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали
МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5